Рес. книжная палата УзССР 290894

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 23 август, сешанба № 132 (21.736). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ 1-ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Муҳтарам ватандошлар!

Бутун мамлакатимиз халқлари улкан шодиёна арафасида турибди. Ўзбекистон Мустақиллиги уч йиллик байрами ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтиҳор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни сизлар йил мобайнида ўтказган тадбирлар ва бугунги якунловчи тантаналарингиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир. Биз ана шундай юксак маърифий жамият қуриш сари бораётган бир пайтда сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг мамлакатимиз келажагига катта умид билан қараётганингиз, ўз миллий маданиятингиз равнақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини теран тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, якдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон. Сизлар эса ўз фаолиятингиз, амалий ишларингиз билан ана шу хонадонга яна ҳам нурафшонлик, яна ҳам файз бахш этмоқдасиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, Ватан равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз нафақат Ўзбекистон аҳлининг, балки Марказий Осиёда яшайдиган барча халқларнинг зўр эҳтиромига сазовор бўлган Сиз, юртбошимизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг уч йиллик муборак байрами билан астойдил табриклаймиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида миллатимиз ва диний мансублигимиздан қатъи назар, мустақиллик куни ҳар биримизнинг суюкли байрамимизга айланди. Биз Сизни эса, муҳтарам Президентимиз, тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда муқимлашиб қолган юздан ортиқ миллат ва элатларни бағри кенг, меҳнаткаш ўзбек халқи атрофида бирлаштириб, мустақилликни мустаҳкамлашдек буюк вазифани амалга оширишга сафарбар қила олган кучли раҳбар сифатида тан оламиз. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, фаровон турмуш, бунёдкорлик ишларига замин ҳозирланаётгани, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида халқаро нуфузи ошиб бораётгани ва эътиборли давлатлар, йирик сармоядорларнинг диққат-эътиборини тортаётгани, энг аввало, халқчил сиёсатингиз самарасидир.

Ана шу инсонпарвар сиёсат самарасидан баҳраманд бўлаётганимиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини қуришда қатнашаётганимиздан фахрланамиз.

Ўзбекистон — ҳаммамизнинг суюкли Ватанимиз, умумий хонадонимиз. Унинг шаъни ва номи ҳаммамизнинг шаънимиз билан боғланиб кетган. Биз ана шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликнинг барча масъулиятини зиммамизга олиб, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида бирлашиб хизмат қиламиз, обод ва озод ўлка яратамиз, деб Сизни қатъий ишонтирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЭРКИНЛИК БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан, унинг сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини ошириш, қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида:

1. Пахта толаси ва ғалладан бўлак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат томонидан белгиланган буюртмалар (давлат буюртмалари) бекор қилинсин.

Қорамол ва сутнинг эркин харид нархларига ўтиш амалга оширилсин.

2. Белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган маҳсулот улуши кўпайтирилиб, харид қилинган пахта толаси ва ғалла ҳажмининг учдан бир қисмига етказилсин, шунга мувофиқ равишда, илгари белгиланган давлат буюртмалари ҳажми камайтирилиб, 75 фоиздан 67 фоизга туширилсин.

Давлат буюртмасининг мазкур даражаси пахтанинг 1994 йилги, ғалланинг 1995 йилги ҳосили учун белгилансин.

3. Пахта ҳосилининг 1994 йилдаги пахта харид нархи бир тоннаси учун ўртача 1200 сўм, (пахта толасига айлантириб ҳисоблаганда — 3750 сўм), 1995 йилдаги озиқ-овқат учун мўлжалланган ғалла ҳосилининг бир тоннаси учун 1000 сўм қилиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 1994 йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри.
1994 йил 22 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЭРКИНЛИК БЕРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Қишлоқда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ жараёнларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг жамоаларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун рағбатлантириш, қишлоқ ходимлари даромадларини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан пахта толаси ва ғалладан ташқари, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинди. Пахта толаси ва ғаллага давлат буюртмаси камайтирилиб, умумий тайёрлаш ҳажмининг 75 фоизидан 67 фоизга туширилди.

Қишлоқда етиштириладиган асосий маҳсулот — пахта нархи оширилиб, ҳар тоннасининг нархи 120 сўмдан 1200 сўмга етказилди ёки 10 баравар кўпайтирилди, ғалла нархи эса икки баравар кўпайтирилиб, ҳар тоннасининг нархи 500 сўмдан 1000 сўмга етказилди.

Мазкур тадбир давлатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, уларнинг маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришдан ва сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган снёсатини рўёбга чиқаришдаги муҳим қадам бўлиб, хўжаликлар зарур даражада рентабелли бўлишини таъминлайди.

Бу тадбир амалий фаолиятда бозор муносабатларининг афзалликларидан самарали фойдаланишга ва пировард натижада қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини оширишга имконият яратади.

1994 йил ҳосилидан хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган ва эркин нархларда сотиладиган пахтанинг 25 фоиздан 33 фоизга етказилиши ва айни вақтда харид нархларининг оширилиши хўжаликларнинг пахтачилик соҳасидаги рентабеллиги даражасини 70 фоиздан 100 фоизга кўтаришни таъминлайди, бу эса аввалги йиллардагидан уч баравардан зиёдроқдир, ғаллачиликда эса рентабеллик 110 фоизга етади.

Хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қолган барча турларини эркин (шартномавий) нархларда сотиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу аввало, бозор муносабатларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, ердан самарали фойдаланишга, хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган.

Буларнинг ҳаммаси республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омили сифатида қишлоқни устувор даражада ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган снёсатнинг натижасидир.

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА



Қўнғирот туманида карбит ишлаб чиқарадиган янги завод ишга туширилди. Бу ерда бир кеча-кундузда 5 тонна ноёб материал ишлаб чиқарилади. Корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилгач маҳсулот икки баробар кўпаяди.

Суратда: операторлардан М. Муртазоев ва бригадир М. Сарсенов бошқарув пульти ёнида.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОЛИМЛАР ДАЪВАТИ

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида мустақиллик ўз жамолини кўз-кўз қилиб турган шу кезда ЎзХДП Марказий Кенгашининг тарғибот гуруҳи вакиллари Бухорога ҳам келишди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ядро физикаси институти бўлим бошлиғи, академик Р. Бекжонов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти директор ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор М. Файзиев, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти, фалсафа фанлари номзоди О. Вафоев, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими В. Абдусаматовлар Жондор туманидаги М. Таробий номли жамоа хўжалиги, Ромитан туманидаги «Дўстлик» қўшма корхонаси, Ғиждувон ипйигирув ва тўқув фабрикаси жамоалари билан учрашдилар.

Гуруҳ аъзолари юзма-юз мулоқотларда мустақиллигимизнинг тарихий аҳамияти ва моҳияти, ўтган уч йил мобайнида республикамизда юз берган ўзгаришлар, юртбошимиз бошчилигида ҳукумат амалга ошираётган ички ва ташқи снёсатнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирдилар, меҳнат жамоаларини туб иқтисодий ислоҳотларда янада фаолроқ қатнашишга даъват этдилар.

Учрашувларда олимлар ва партия ходимлари тўпланганларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Шундай учрашувлар вилоятнинг Шофиркон, Вобкент туманларида ҳам бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ВАТАНИМНИ КЎЙЛАЙМАН!»

Наманганда ана шундай шиор остида ҳаваскор шоирлар танлови ўтказилди. Уни вилоят халқ таълими бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси ва «Истеъдод» республика жамғармасининг Наманган бўлими уюштирди. Танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан юзга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этди. Истеъдод эгаларининг энг каттаси 17 ёшда, энг кичиги эса 7 ёшда эди. Энг яхши шеърлар муаллифларининг фотосуратлари билан алоҳида тўплам тарзида нашр этилиши танлов ғолиблари учун энг катта соврин бўлди. Китобни нашр этиш билан боғлиқ харажатларни халқ таълими Наманган вилоят бошқармаси ўз зиммасига олди.

(ЎзА).

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда байрамга тайёргарлик кўриш, хусусан, ободонлаштириш, таъмирлаш ҳамда қурилиш ишларининг қандай амалга оширилаётгани муҳокама қилинди. Республика Президенти Ислом Каримовнинг ана шу масалалар юзасидан ўтказган йиғилиши, унда баён қилинган тавсияларидан сўнг бу ишларнинг янада жонлангани қайд этилди.

Тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва ташкилот раҳбарларининг байрамга тайёргарликни тугаллаш, уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар хусусидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда республика Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

21 август куни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ЎзА журналистлари ва республикамиздаги айрим газеталарнинг раҳбарлари иштирок этди.

ЎзА Бош директори М. Ҳазратқулов Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар янги ҳуқуқий асосда ривожланаётганини қайд этиб, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг кенгайишида дипломатлар ва журналистлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Суҳбат давомида жаноб Ф. Сидорский Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ва Россия Президенти Борис Ельциннинг расмий учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун кенг уфқлар очганини айтди. Икки томонлама ва МДҲ доирасида бўлиб ўтган учрашувларда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишига эришиш халқларимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушишини таъкидлади. Шу ўринда элчи айрим ғаламис кучларнинг Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларга раҳна солиш йўлидаги ҳаракатларини қоралади. Ўзбекистон билан Россия ишончли ҳамкор бўлиб қолишига умид билдирди.

Учрашув сўнгида элчи журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

19 август куни Москвада Ўзбекистон ва Грузия Республикалари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги протокол имзоланди. Мазкур протоколни Ўзбекистон Республикаси номидан мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги муваққат ишлар вакили Насрулло Мирқурбонов ва Грузия Республикаси номидан шу давлатнинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Валериан Адвадзе имзолади.

Ҳужжатда Ўзбекистон билан Грузия Республикасида элчихоналар даражасида ваколатхоналар очиш кўзда тутилган.

Ф. ПАРПИЕВ,
(ЎзА).

• *Қишлоқ саноати*

«ТОШРАБОТ» КОНСЕРВАЛАРИ

● НАВОИЙ (мухбиримиздан). Қизилтепа туманидаги «Тошработ» жамоа хўжалигида етиштирилаётган сабзавотларни қайта ишлашда бу ердаги консерва заводи қўл келмоқда.

Йилига 3 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхонада шу кунларда томат пастаси тайёрланмоқда. Завод жамоаси қисқа муддатда 10 тоннадан ортиқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқарди. Кунига 15—20 тоннага қадар помидор қайта ишланмоқда. Томат пастаси билан бирга помидор шарбати ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Кунига 1200 тага яқин бир литрлик банкалар қадоқланмоқда. Бу ишларда Т. Ҳасанов, Ш. Исматов, Н. Аҳмедов сингари технолог ва ишчиларнинг улуши катта. Муҳими, завод қурилганидан бери қўшимча харажатларга, сабзавотнинг исрофгарчилигига чек қўйилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Хотира*

ФЕРУЗНИ ЁД ЭТИБ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Маълумки, сентябрь ойида халқимизнинг буюк фарзанди — шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади.

Шу муносабат билан хоразмлик ферузшунос олимлар, шоир, бастакор ва санъаткорлардан бир гуруҳи Ғиждувонга келишди. Шаҳарнинг сўлим маскани — истироҳат боғида ферузхонлик ўтказилди. Ал-Хоразмий номли Урганч давлат дорилфунуни катта ўқитувчиси С. Раҳимов, шоир ва драматург Қ. Муҳаммадризо Феруз ҳаёти, маданий мероси ҳақида сўзладилар. Шаҳар ҳокими Н. Жалилов эса Феруз юбилейига Ғиждувонда ҳам катта тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлади. Кеча иштирокчиларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожи Ортиқов бошчилигидаги Феруз қўшиқлари кўрик-танлови ғолиблари ўз чиқишлари билан мамнун этишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Кеча, 22 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари муҳокама қилинди. Марказий Кенгаш иккинчи котиби А. Жалолов шу ҳақда маъруза қилди.

Маъруза бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов, Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Бозорова, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби А. Асанов ва бошқалар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди.

М. Расулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби этиб Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келаётган А. Жалолов сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми аъзоси И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВ

1947 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Бирлашган қишлоғида туғилган. Ўзбек. Тошкент Давлат университетини битирган. Фалсафа фанлари доктори.

Университетни тамомлагандан сўнг армия сафларида хизмат қилди. Шундан кейин мазкур олий ўқув юртининг фалсафа кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, республика Жисмоний тарбия институтида фалсафа кафедраси мудири, Тошкент ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида доцент, директор ўринбосари, шунингдек, партия марказий органларида лектор, лекторлар гуруҳининг раҳбари, бўлим мудири ўринбосари лавозимларида ишлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгач, унинг Марказий Кенгаши Матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимини бошқарди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтида бўлим мудири бўлиб фаолият кўрсатди.

1993 йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VIII пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Айни пайтда у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори ҳамдир.

Оилали. 4 нафар фарзанди бор.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Наим Ғойибов Исломободда мамлакат Президенти Сардор Форуқ Аҳмад хон Легарийга ўз ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Ф. А. Легарийга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг дўстона ва самимий саломларини етказиш билан бирга Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий, снёсий ва ижтимоий ислоҳотлар, республика раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи снёсат ҳақида гапириб берди.

Покистон Президенти ўз навбатида Исломободда Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг очилиши ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлишини таъкидлади. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларнинг суръати ва кўламидан хурсандлигини айтиб бу муваффақиятларда Президент Ислом Каримовнинг хизматларини алоҳида қайд этди.

Ишонч ёрлиғини топшириш чоғида икки мамлакат мадҳиялари янгради. Маросим тантанали вазиятда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси.

Партия ахборот

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Р. Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигида ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими мудири вазифасида ишлаган Аъзам Салоҳиддинов шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби, шу ҳокимлик етакчи мутахассиси Шуҳратилла Темиров иккинчи котиб этиб сайландилар.

Пленумда Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби И. Суюнов сўзга чиқдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИМИЗ ҲАҚИДА

Сирдарёда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Гулла-яшна, истиқболли нурафшон диёр» мавзуида сиёсий ахборот ҳафталиги ўтказилмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад республикамиз истиқлолининг уч йиллиги муносабати билан кенг жамоатчиликка ана шу қисқа даврда босиб ўтилган ўзига хос йўлимиз ҳақида тўлиқ маълумот бериш, эришилган ютуқларни тарғиб этиш, айни пайтда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга эътиборни қаратишдир.

Сиёсий ҳафталикда вилоят, шаҳар ва туман идораларининг қатор раҳбарлари, етакчи партия ходимлари, олимлар ҳамда жамоатчи фаоллар иштирок этмоқда.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ГАЗЕТА

Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасининг «Солиқ назорати» газетаси ўзбек ва рус тилларида чоп этила бошланди. Газетанинг мақсади — солиқ сиёсати қандай амалга ошаётганини, солиқ тўловчи корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларини газета саҳифалари орқали мунтазам ёритиб боришдир.

Беш минг нусхада чоп этилган газетанинг нишона сони ранг-баранг материалларга бой.

Б. ТЎРАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

БУ КУНЛАРНИНГ ЎЗИ БИР БАЙРАМ

Сулаймон АЗИМОВ

Мустақиллик ҳақида сўз юритганда узоқ ўтмишимиз ва яқин келажагимизни ўйлаб фикр юритамиз. Истиқлолимизни мустаҳкамлаш, унинг ҳар жиҳатдан тараққий этишини таъминлаш — шу кунларнинг энг муҳим вазифаси. Бусиз мустақиллик шунчаки қуруқ гапга айланиб қолади. Республикамизнинг мустақил деб эълон қилиниши даври ғоят мураккаб вазиятда юз берганлиги ҳаммага маълум.

Эндиликда мустақиллигимиз фақат байрам қилинибгина қолмай, айни чоғда у барчамизнинг олдимизга муайян вазифалар ҳам қўяди.

Баъзилар озодлик осонгина қўлга киритилди, дейишади. Бу бир қарашда шундай туюлади. Аслида-чи? Мустақиллик учун кураш Ўзбекистонда ҳеч қачон ва ҳеч замон тўхтамаган. Узоқ давом этган мустабид тузумнинг илдизи чириганлиги оқибатида мустақил ҳаёт учун имкониятлар яратилди.

Мен «Особое совещание» қарори билан қамоқхонада ўн йил ётганимдан сўнг узоқ Сибирь тайгасига умрбод сургун қилинган эдим. Шу узоқ тайганинг четида бир ўзбекни учратдим. Ёши саксонларда экан. Узоқ суҳбатлашдик. Тили ўзбекчага айланмайдиган ҳолга келган, русча гапириши ундан ҳам ёмон. Бу одам 1898 йилда Андижонда бўлган Дукчи эшон воқеасининг иштирокчиси экан. Матбуотда бу ҳаракат соф бир диний қўзғолон сифатида баҳоланиб келинган. Аслида расмий нашрларда ёзилганидан кўра унинг тафсилоти кенгроқ экан. «Дукчи эшон қўзғолони»да кичик бир тўда диндорлар эмас, кенг халқ оммаси ҳам иштирок этган. Улар ўзларининг мустақиллигини сақлаб қолиш учун қўзғалган. Бу кенг халқ ҳаракатини бостириш учун мустамлакачилар қўмондонлигининг қилган ваҳшийлигини тўла тасвир этишга тилнинг ҳатто кучи етмайди.

1916 йилги Жиззах қўзғолони ҳақида кўп гапиришади. Бу энди кўпчиликка маълум. Лекин бу қўзғолонга ўхшаган, ундан кўра кичикроқ, озроқ омма иштирок этган воқеалар, кўтарилишлар, чоризм амалдорларини тутиб уриш, уларнинг қочиб кетишлари — ҳамма ерда деярли бўлган. Лекин расман қайд қилинмаган. Ўша 1916 йилги мардикорликка қарши кўтарилган Ўзгандаги қўзғолонни ўз кўзим билан кўрганман. Акаларим мардикорликка кетган ҳам. Ҳатто Тошкентда бир карнайчи «Биз мардикор бермаймиз, майли, аскар беришга розимиз, бизга қурол беринглар», деб чиққан. Бу энди сиёсий гап эди. Лекин мустамлакачилар туб маҳаллий халққа қурол беришдан қўрқарди. Берилган қурол ўша куниёқ уларнинг ўзига қаратилиши аниқ эди. Шу сабаб чоризм маъмурлари кўча-кўйда ўзбекларнинг ҳатто пичоқларигача тортиб олишарди.

Мустақиллик учун кураш бундан кейин ҳам тўхтамаган. Озодлик истовчиларга қарши жазо чоралари эса тўхтовсиз қўлланилар ва хилма-хил эди. Ўзбекистон Маориф халқ комиссари Раҳим Инъомов — кенг билимли, серғайрат олим киши бўлган. У ёшларимизни Москва ва Ленинград билан бирга Ғарб мамлакатларига ўқишга юборишни таклиф қилиб чиққан ҳам. Кўп ўтмай, қарабсизки, у бу дунёда йўқ. Бу воқеа 1926 йилда содир бўлган. Нима бўлганини эса бугун ҳам ҳеч ким билмайди. Бу иш қизил империягагина хослигини биз ҳаётдан яхши биламиз. Мўмин Хўжа — 1927 йилда Маориф халқ комиссари эди. Зўр олим, зиёли бўлган. Бизнинг домлаларимиз Назир Иноятий, эшон-бобо қори Исломов, Абдужаббор Сиддиқийлар билан суҳбатда: «Ароқ маданияти бизга қайдан келган? У нималар олиб келди ва олиб келиши мумкин», деб куйиниб гапирганига гувоҳман. Ўшандай одам бизга раҳбарлигидан ҳавасим ҳам келарди. Унинг ҳам суяги номаълум ерларда чириди.

1930 йилнинг ёзида Самарқандда Ўзбекистон Олий суди раиси Саъдулла Қосимов, Республика прокурори Бадриддин Шариповлар устидан очиқ суд бўлиб ўтганди. Ў юз кун давом этди. Раис Ленининг яқинларидан бўлмиш Васильев — Южин деган киши эди. Прокурор Рубен Котанян ҳам Москвадан келганди. Мен шу судда ора-сирада кириб эшитар эдим. Саъдулла Қосимов суд органларида қулоқларни кўпайтириб юборган, деб айбланганди. Хўп, аслида ўша қулоқлар кимлар эди? Ҳар бир саводли ўзбек қулоқ ҳисобланган. Батраклардан саводлилари бўлмаган-ку? Демак, у асосан ўзбек халқининг ғамини еган. Саводли ўзбекларни идора ишларига тортган. Бу эса миллатчилик ва аксилинқилобчилик деб баҳоланди. С. Қосимов отилди. Б. Шариповга ўн йил қамоқ жазоси берилди. Аммо у ҳам дараксиз кетди...

1930 йили ёзда Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлигининг бутун раҳбарияти қатағон қилинди. Маориф комиссари Маннон Рамиз, унинг муовини Боту, Собир Қодирий, Носир Сайид ва яна юз кишига яқин етук зиёлилар миллатчиликда айбланди.

Ориф Олимжон жиззахлик, ёзувчи ва журналист эди, 1934 йилда қамоққа олинган. Унга ҳам ўзига хос «айб» тақашган: «Сенинг ниятинг мустақил давлат тузиш...»

Қўқон мухториятини олайлик. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Аҳмад Закивалид, Мустафо Чўқай каби мухториятчиларнинг номлари кейинги вақтга қадар марказ наздида аксилинқилобчи, халқ душмани деб ҳисобланиб келинди. Мустақиллик шарофати билангина бу фидойи курашчиларнинг номлари оқланмоқда.

Октябрь тўнтаришидан кейин Россия чоризми ҳудудидаги ҳамма халқлар тенг ҳуқуқли, деган декларация эълон қилинди. Бу ҳужжатнинг руҳи ўн йилгача давом этди. Шу даврда Ўзбекистонда кўплаб ташкилотчилар, катта-кичик жамоаларга етакчилик қилувчи салоҳият эгалари етишиб чиқди. Низомиддин Хўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Қори Йўлдош Пўлатов, Насриддин Хўжаев, Муҳиддин Турсунхўжаев, Ғулом Ёқубов, Комилжон Алимов, Абдулҳай Тожиев, Мирзахўжа Ўринхўжаев, Давлат Ризаев шулар жумласидандир. Совет даврининг биринчи ўн йиллигида тез ўсиб, кўтарилиб бораётган кадрлар ҳаётимизнинг барча тармоқларида ҳам бор эди. Булар ўз фаолиятида ўз халқининг манфаати, ёшларнинг илм олиши, халқнинг миллий онгини ошириш учун фойдаланишган. Ўз халқининг миллий онгини оширишда, халқ манфаати учун қўлидан келган хизматини қилган ва бу хизматлари эвазига тоталитаризмнинг қурбони бўлган қуйидаги халқ фарзандларини ёдга олиш фарздир: Усмонхон Эшонхўжаев, Илҳомжон Иброҳимов, Ҳамдам Тожиев, Саттор Жаббор, Абдулла Раҳмат, Лутфулла Олимий, Холмуҳаммад Охундий, Аҳмадбек Мавлонбеков, Одилқори Ғуломов, Мажид Қодирий, Собиржон Содиқов, Шокиржон Раҳимий, Ғулом Акрамов, Ҳабиб Қодирий, Наби Қодирий, Карим қори Икром, Йўлдош Ирисметов, Асқар Раҳмонов, Ваис Раҳимий, Раҳмат Мажидий, Абдуллажон Машрапов, Умаржон Қосимов, Миркомил Миршаропов, Бек Бектемиров, Мирмуслим Шермуҳамедов, Султон Сегизбоев, Қурбон Берегин, Абдуллажон Каримов, Акбар Исломов, Камол Шарипов, Арслонбеков, Болтаев, Болтабоев, Раҳимжон қори Нишонбоев, Ўринбой Ғофуров, Аббосхон Саидхонов, Санжар Сиддиқ, Миёнбузрук Солиҳов, Ғози Олим, Ғулом Зафарий, Қаюм Рамазон, Ҳусан Ғози, Юнус Латиф, Муҳиддин Усмон, Иса Шарофхўжаев, Отажон Ҳошим, Собира Холдорова, Шокир Сулаймонов, Шаҳид Эсон Мусо... Ҳар бирининг тақдири бир-икки китобга сиғмайди. Биз юқорида номларини келтирган кишилар республикамизда тоталитаризм қурбони бўлганларнинг ҳаммаси эмас. Мен асосан ўзим кўрган, билган, таниш кишиларнинггина номларини айтиб ўтдим. Улардан беш-олтитасини тарихдан биламан. Уларнинг ёзганларини, улар ҳақида ёзилганларни ўқиганман. Улар бутун онгли ҳаётида халқнинг манфаати, ёшларнинг соғлом тарбияси йўлида фидокорона хизмат қилган. Камтарин, онгли, билимли кишиларга ҳайрихоҳ, ишда, муомалада самимий, гўзал кишилар бўлган. Улар мустақил ўйловчи, фикрловчи, халқимизнинг асл фарзандлари эди. Уларни ўсиб келаётган ёш авлодга намуна тариқасида кўрсатиш жоиз. Мен ҳам ўшандай кишиларни шахсан билганим, танишлигим, кўп марталаб суҳбатдош бўлганим, маслаҳатлашганим билан, қолаверса, миллатдош эканлигимдан фахрланаман.

Миллий мустақилликнинг мураккаб оқибатлари бўлади. Булардан биттаси миллий тарбиядир. Ҳали давлат тизимида Ўзбекистонда миллий тарбия бўлган эмас. Тарихимизда ўкм сурган Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, гарчи, ҳаммаси ўзбек феодал жамиятини ташкил этган бўлса-да, халқнинг миллий онгини ошириш, руҳан бирлаштириш у ёқда турсин, аксинча, ўзаро урушлар билан машғул бўлиш орқали тарихда қолди. Бу ўзаро қирғинлардаги асосий рўкач «сен каттами, мен катта, сен кучлими, мен кучли» деган рақобат эди. Миллат тарбиясини емаган халқни бошқа уюшқоқроқ халқ ҳамиша осон енгади. Ўзбекистонда миллат тарбиясининг бўлмаганлигига сабаб ягона давлат тузумининг ўзи бўлмаган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси деб номланган «мамлакат» аслида мустақил республика эмас, Москвадаги режиссёрлар томонидан тузилган қўғирчоқ театри эди. Ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ, бошқарувнинг бутун жилови, тизгини, қозон-чўмичи, ўлчови — ҳаммаси ўша ёқда эди. Бу ерда ўтирганлар фақат буйруқни бажариши керак эди, холос. Қизил империя қўл остидаги ўлкаларда халқларнинг миллий тарбияни йўлга қўйишига изн бермасди.

Биздаги ўзаро бирликнинг кучсизлигига асосий сабаблардан яна бири мустамлакачилик даврида халқимиз орасида асосан ўз тилини, анъаналарини йўқотиш, бор маданий-маънавий қадриятларга тупуриб қарашни тарғиб қилиш бўлди. Бу халқдаги ўзаро руҳий бирликнинг кушандаси бўлиб хизмат қилди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи чоп этилиши тарихимизда унутилмас воқеадир. «Ўтган кунлар» миллатни тарбиялади. Биз кексаларга маълум, роман нашрдан чиқиши билан бутун саводли халқ ана шу китобга ёпишди. Одамлар тўп-тўп бўлиб ўқиди. Ҳамма ерда — кўчаларда, чойхона ва меҳмонхоналарда — қаерда одам тўпланса, ўша ерда «Ўтган кунлар» ўқилди. Алифбе саводи борлар ўқиди, саводи йўқлар улар атрофида ўтириб эшитди. 1925 йилдан, яъни, «Ўтган кунлар»нинг биринчи қисми чиққан кундан Ўзбекистонда халқ ичидаги асосий гап Абдулла Қодирий, «Ўтган кунлар», Юсуфбек Ҳожи, Отабек, Кумуш, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Мирзакарим қутидор ва бошқалар ҳақида бўлди. Улар халқ қаҳрамонлари мисол одамларнинг оғзидан тушмасди. Оилаларда қизларга Кумуш, ўғилларга Отабек исмини қўйиш расм бўлди. «Ўтган кунлар»да ифода этилган руҳ, ўзбек миллатининг тақдири ҳақидаги ўйлар бутун халқ руҳига сингиб борди. Абдулла Қодирийнинг ўзи афсонавий шахс бўлиб халқнинг кўнглидан жой олди.

Ҳа, халқ маънавий эзилган, руҳий чанқоқ, нажот, маслаҳат, тасалли излаган бир пайтда худди шуларнинг ҳаммасини равон, гўзал шаклда ифодалаган «Ўтган кунлар» пайдо бўлди. Шу сабабли ҳам унинг руҳи халқ руҳи билан бирлашиб кетди. Тарихимиз Абдулла Қодирийни миллат муаллими қилиб етиштирди. Бу тасодифий бўлган иш эмас. Аслида Қодирий халқимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганди. Бошқа халқларники билан солиштирди. Ўз тегирмонида бошқатдан тортиб кўрди. Пировардида эса «Ўтган кунлар» пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам тарихимиздан уни ҳеч иккиланмай миллат муаллими дейишга ҳақлимиз.

«Ўтган кунлар»даги ғоялар халқ дилига сингибгина қолмай, авлоддан-авлодга ўтди. Миллатнинг руҳини кўтарди. Бу эса қизил империяни безовта қилди. Шу боис «Ўтган кунлар» ғояларини яратувчиларга қарши қаттиқ қирғин бошланиб кетди. Ҳатто Абдулла Қодирий қатл қилингандан сўнг ҳам бу кураш давом этди. Уйидан «Ўтган кунлар» чиққан хонадоннинг саводли аъзолари қамалди. Мен ўзим қамоқда юрган вақтимда уйидан «Ўтган кунлар» чиққанлиги учун 10 йилгача муддатга қамалганларни кўрдим. Бунга битта мен эмас, шу вақтда қамоқхонада бўлган Раҳмат Мажидий, Турғун Аҳмадхўжаев, Абдуллажон Машрапов, Умаржон Қосимовлар ҳам гувоҳ бўлишган. Лекин қамаш, отиш, ёппасига қириш «Ўтган кунлар» руҳини халқнинг онгидан кўтариб ташлай олмади. У давом этди ва давом этаётир.

Энди бугунга қайтайлик. Яхши, Мустақиллик қўлимизда. Бу тек еб, ичиб ётавериш деган гап эмас. Мустақилликни олатасир замонда қўлга киритдик. Шунинг учун ҳам уни сақлаб қолиш, ривожлантириш, қувватини ошириш алоҳида ғайрат ва меҳнат талаб этади. Ўз мустақиллиги учун курашаман, деган ҳар бир киши қўлидан нима келса, шуни қилиб, билмаганини ўрганиб, мустақиллигимизни таъминлаш учун меҳнат қилиши керак.

Янги истеъдодлар, ташкилотчилар, ақлли ва доно ёшлар гуруҳи ўсиб келмоқда. Осмонга устун бўларли мутафаккирлар юрти бўлмиш Ватанимиз, она халқимиз буюк боболаримизнинг муносиб авлоди бўлмиш ёшларга умид қилишга ҳақли. Ишонч билан айтиш мумкинки, келажагимиз порлоқ.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД
ёзиб олди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МУҲИМ ҚАРОР

● Швеция ҳукумати Сараевода таъмирлаш ишларини бажариш учун 16 миллион крон ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳарбий ҳаракатлар оқибатида вайрон бўлган Босния пойтахтини тиқлаш режасини Швеция шу тариқа қўллаб-қувватлади. Бу маблағ телекоммуникация тизимини таъминлаш ва алоқа ускуналари учун сарфланади.

КУН ТАРТИБИДА — ОЛИЙ ЖАЗОНИ БЕКОР ҚИЛИШ

● Италия ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг навбатдаги сессиясида ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш ҳақидаги резолюцияни муҳокамага қўйишга қарор қилди.

Бу ҳақда Италия ташқи ишлар вазирлиги баёнот берди. Унда БМТга аъзо бўлган 184 давлатнинг 119 тасида ҳамон олий жазо қўлланилаётгани таъкидланади.

ЭЛЧИ ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

● Эрон Ислом Республикасининг Аргентинадаги элчиси Ҳоди Сулаймонпур маслаҳатлашув учун Буэнос-Айресдан чақириб олинди.

Аввалроқ эса Аргентина элчиси юқоридаги сабабга кўра Теҳрондан жўнаб кетган эди. Эрон элчисининг аэропортда берган баёнотига кўра, унинг ватанига қайтиб келиши Аргентина билан дипломатик муносабатлар узилганини билдирмайди.

ИРОҚДАГИ ТЕКШИРУВЛАР

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг синчилар гуруҳи Ироқ университетлари қошидаги тажрибахоналарда бир қанча текширувлар ўтказди.

Бу тадбир Ироқнинг бактериологик қурол яратиш имкониятини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Синчилар текширув натижалари ҳақида ҳеч қандай маълумот беришгани йўқ.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — КОНИ ФОЙДА

● ПЕКИН. Хитой замонавий технологияларни кўплаб сотиб олаётган мамлакатлардан биридир.

Сўнгги 15 йил ичида бу борада тузилган шартномалар 40 миллиард долларга тенг. Мамлакатда яратилган технологиялар ва ускуналар экспорти ҳажми эса 7,7 миллиард долларга етди.

ЛОЙИҲА ҚУВВАТЛАНДИ

● ВАШИНГТОН. Америка конгрессининг вакиллар палатаси кўпчилик овоз билан АҚШ ҳарбий ҳаражатларининг миқдори ҳақидаги қонун лойиҳасини қувватлади.

Лойиҳага биноан, 1995 молия йилида АҚШнинг ҳарбий харажатлари 263,8 миллиард доллардан ошмаслиги керак. Бу рақамлар АҚШ ҳарбий бюджетининг ўтган йилдагига нисбатан 2,8 миллиард ошганидан дарак беради. Қонун лойиҳасида ядро қуролларини йўқотиш ва ядровий материаллар тарқалишининг олдини олиш мақсадида собиқ совет республикаларига 400 миллион доллар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• ХДП ҳаётидан

МАҲАЛЛА—ЭЗГУЛИК БЕШИГИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллик шодиёнаси нишонланадиган кунга ҳам оз фурсат қолди. Бу улуғ байрамга тайёргарлик ишлари, учрашувлар, қизиқарли тадбирлар эса республикамизда кенг авж олган. Айниқса, маҳаллаларда ўтаётган тадбирлар ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан тарбиявий аҳамиятга бой бўляпти. Зеро, маҳалла ўз аслига қайтиб, эзгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғи бўлиб боряпти.

Яккасарой туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ҳамда «Яккасарой-1» маҳалла фаоллари ташаббуси билан «Маҳалла — истиқлолнинг биринчи истиқболи» мавзуида байрам шодиёнаси бўлди. Фахрийлар, партия фаоллари ва ёшлар учрашувга таклиф этилдилар.

Учрашувни Ўзбекистон халқ артисти, маҳалла фаол отахонларидан бири Ориф ҳожи Алимахсумов очди. У йиғилганларни яқинлашиб келаётган истиқлол байрами билан табриклаб, уларни жипслик, аҳилликкa, мустақилликни янада мустаҳкамлашга чақириб, ишлаб чиқаришда ҳар ким ўз вазифасида сидқидилдан бажариши давр талаби эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида яшовчи 28 нафар фуқаронинг Ўзбекистон ХДП сафига ўтаётганини ифтихор билан тилга олди.

«Яккасарой-1» маҳалласида ўтган қизиқарли учрашувда қатнашган туман ҳокими Алишер Мирқосимов истиқлол шодиёналари кўп жойда бошланиб кетганлигини, уни ишлаб чиқариш жамоалари ҳам катта тўёналар билан қарши олаётганлигини таъкидлади. Маҳаллаларни ободонлаштириш, туман ҳудудидан ўтадиган «Ракат» каналини тозалаш, ҳар бир маҳаллада нонвойхона ва бошқа маиший хизмат дўконларини қуриш ишлари яхши олиб борилаётир. Туманда Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасига қарашли савдо дўкони, жанубий шоҳбекатдаги ер ости йўлларини мустақилликнинг уч йиллик тўйи нишонланадиган кунга қадар фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шундан сўнг туман ҳокими А. Мирқосимов ва Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши биринчи котиби А. Абдуллаев 28 нафар янги партия аъзосига билетларни топширишди. Улар орасида Ориф ҳожи Алимахсумов, маҳалла фаолларидан Маннон ота Мўминов, Ҳамид Ҳикматов сингари фахрийлар, ўнга яқин талаба, нонвой ҳамда тадбиркор ёшлар бор. Маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби этиб бир овоздан Нўъмон Низомов сайланди. Тантанали маросим тугагач, Ориф ҳожи Алимахсумовдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтиши боисини сўрадик.

— Ҳаммамизнинг мақсаду-муродимиз битта — давлатимиз ривожи учун курашиш. Менинг партия сафига ўтишимнинг сабаби ҳам шунда. Аввало, соғлом фикрли, жамият учун куюнчак кишилар билан бир сафда туриб меҳнат қилсам, дейман. Ёшлар тарбияси, қадриятларимизни тиклаш сингари ишларда биз кексалар бош-қош бўлишимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳа, Ориф аканинг гапларини эшитиб, қолаверса, у кишидаги ғайрат ва шижоатни кўриб, қувондик. Зеро, Ўзбекистонимиз ҳам жаҳонга юз тутиб, дунё сари дадил одимламоқда. Галдаги вазифалар эса мустақиллигимиз қудратини, шону шуҳратини янада ошириш эканлигини қалбдан ҳис қилдик.

«Маҳалла — истиқлолнинг биринчи истиқболи» мавзусидаги тантана қатнашчиларига Абдулла Авлоний номли туман маданият уйи қошидаги «Оҳанг» дастасининг Шамсиддин Қодиров, Зокиржон Обидов сингари хонандалари истиқлолни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари билан хуш кайфият улашди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

МАНГУ МУҲРЛАНГАН БЎЛСИН

Ҳар бир давлатнинг, мамлакатнинг ардоқлайдиган ўз миллий анъаналари, байрамлари бўлади. Биз ўзбекистонликлар учун, шубҳасиз, мустақилликка эришган кунимиз энг улуғ байрамдир. Халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари, ота-боболаримиз шу кунга етайлик, деб интилдилар, не-не мусибатларни бошдан кечирдилар. Лекин Ватан истиқлолини кўролмай кетдилар. Шу туфайли ҳам ҳар биримиз бу ёруғ кунлар қадрига етмоғимиз даркор.

Мустақиллик ҳеч шубҳасиз бизга катта масъулиятлар юклади. Одамларимиз энди мўъжиза кутиш мумкин эмаслигини, ҳамма ишни фақат ўзимиз, елкадош бўлиб амалга оширишимиз кераклигини аллақачон англадилар. Шу нуқтаи назардан биз ўз эзгу мақсадимиз сари босқичма-босқич боряпмиз.

Мустақиллик бизга ўзлигимизни, бой тарихимиз ва маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни, мўътабар анъана ва урф-одатларимизни қайтариб бераётгани учун ҳам биз уни мўътабар байрам сифатида шоду-хуррамлик билан нишонлаймиз.

Ўзбекистон ХДП аъзоларидан энг аввало, бугунги кунда мустақиллигимизга шубҳа билан қаровчи, иккиланиб юрувчи консерватив кучларга ўз амалий таъсирини ўтказиш, мустақиллик халқимизнинг юрагидаги асрий орзу-умиди эканлигини, Ўзбекистон келажаги порлоқ давлатлигини чуқур англатиш талаб этилади. Бу ишларни амалга оширишда Миллий истиқлол мафкурасидан тўла фойдаланиш, уни тарғиб этиш ижобий самара беради.

Ўйлаймизки, Мустақиллик байрами вақт ўтган сайин халқимиз онгига чуқурроқ, мустаҳкамроқ сингиб боради. Шундан келиб чиқиб Тошкент шаҳар партия кенгаши Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ўз тадбирларини ишлаб чиқди. Ушбу тадбирга биноан барча даражадаги партия ташкилотлари пойтахтимиздаги байрам тадбирларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида тайёргарлик ишларида фаол қатнашишмоқда. Улар истиқомат жойларида, меҳнат жамоаларида аҳоли билан байрамолди учрашувларини ўтказиш, аҳолининг муҳтож қатламларига баҳоли қудрат моддий ва маънавий кўмак бериш режаларини белгилашган.

Ҳаётда ҳеч нарса билан ўлчаб ёки алмаштириб бўлмайдиган муқаддас туйғуларимиздан бири мустақиллик тушунчасидир. Мустақиллик — бебаҳо неъмат.

Келинг, ушбу миллий байрамимиз айёмида ҳаммамиз бир-биримизга суянчиқ бўлиб, бундан кейин ҳам барчамиз бир ёқадан бош чиқариб осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлайлик. Ўз куч-ғайратимизни Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажаги учун зарур бўлган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга сафарбар этайлик. Мустақиллик тақдиримизга мангу муҳрланган бўлсин.

Нуршод ҒИЕСОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши мафкура бўлими мудири.

● ТАДБИРКОРГА ОМАД ЕР

ЮТУҚЛАР САРЧАШМАСИ

Қибрай қурилиш ашёлари корхонаси жамоаси қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида талай ишларни амалга ошираётир. Бу ерда 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётганига 25 йилдан ошди. Шу давр мобайнида корхонада тайёрланган қурилиш ашёлари ҳисобига вилоятда, туманда қатор саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари қад кўтарди, кўплаб уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ҳозирда корхонамизда 40 дан зиёд турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда,— дейди корхона раҳбари Болтабой Умаров.— Бу маҳсулотлар буюртмачилар талабига мос бўлиши учун ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилиб, кадрларимиз малакалари оширилмоқда, хом ашёлардан иложи борича тежамли фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Бугунги қийинчиликларга қарамасдан қурилишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айниқса, республикамиз Президентининг ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш учун шахсий уй-жойлар қуришга ер майдонлари ажратиш борасидаги Фармонидан кейин қурилиш ва бошқа ташкилотлар қатори фуқароларнинг ҳам қурилиш ашёларига бўлган талаблари ортди. Бу эса бизнинг зиммамизга улкан вазифаларни юклади. Шу кечаю-кундузда, имконият даражасида талаб-горларимизнинг буюртмаларини бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Буюртмачиларнинг талабларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришни икки сменада олиб бориш йўлга қўйилди. Бу ҳол эса мавжуд воситаларимиз қувватидан тўла фойдаланиш имконини бериб, ютуқларимиз сарчашмаси бўлаётир. Жамоамиз жорий йилда жами 600 минг сўмлик қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Корхонамиз фаолияти кўрсаткичларини ошира боришда кўп миллатли жамоамиз аъзоларининг аҳиллиги, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам катта ўрин тутади,— дейди сўзини давом эттириб Б. Умаров.— Жамоа аъзоларига етарли меҳнат шароитлари, дам олиш қулайликлари яратиб берилаётганлиги, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирларига эътибор кучайтирилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Натижада ўтган ойлар мобайнида 2661 кубометр йиғма темирбетон, 1244 кубометр бетон, 770 кубометр оҳакли қоришма ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланди.



Қибрай қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш корхонаси туман ҳокимлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларга жавобан, кўзга кўринарли ишларни амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида корхона томонидан 12 ўринли қўшимча иш жойи ташкил этилди. Қибрай қўрғони марказида қурилган чойхона, дўкон, шунингдек, корхонадаги янги тармоқларнинг очилиши эвазига ишсизлар сони камаймоқда.

Қаердаки меҳнат аҳли учун намунали иш ва яхши ҳордиқ чиқариш шароитлари яратилган бўлса, шу ерда меҳнаткашларнинг кайфияти чоғ, иш унуми юқори бўлади. Буни ўз вақтида англаб етган корхона маъмуриятi қатор тадбирларни амалга ошираётир. Шунинг натижаси ўлароқ, ишчи-хизматчиларга 50 ўринли ошхона, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон, меҳнаткашларнинг болалари учун эса боғчалар беминнат хизмат кўрсатаётир. Ундан ташқари, соғломлаштириш маскани, даволанувчилар учун шифохоналар улар ихтиёрига берилган. Қисқаси, ишловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Мустақиллигимизнинг уч йиллиги байрами кун сайин яқинлашиб келмоқда. Бу кунларда ана шу тантанани муносиб кутиб олиш учун республикамизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишдан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ.

Жумладан, Қибрай қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ҳам буюк байрамимиз шарафига режа ва топшириқларни ортиғи билан уддалашга қарор қилган.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Долзарб мавзуда*

БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ— ИСЛОҲОТ ТАЛАБИ

Бозор муносабатларига ўтилиши, янги мулкчилик шаклларининг вужудга келиши ҳаёт тарзимизни ўзгартириб юборди. Ётмиш уч йил давомида одамларнинг қонига сингиб кетган лоқайдлик, мулкка бепарволик, эгасизлик кайфияти барҳам топиб, ҳар бир кишида ўз корхонасини, ўз ерини авайлаб-асраш кайфияти қарор топа бошлади. Янгидан-янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, она ердан мўл-кўл ноз-неъмат етиштириш, шу тариқа халқ дастурхонини тўлдириш, ўз онласининг фаровонлигини ҳам оширишга интилувчи кишилар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай кишилар хорижда бизнесмен дейилса, бизда ишбилармон, тадбиркор деб атала бошланди.

Бу жараёнларни кузатиб бораётган мамлакатимиз раҳбарияти тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширяпти. Дарвоқе, бир йил аввал шаҳар ва қишлоқлардаги кичик ва ўрта ишбилармонларга молиявий ёрдам бериш, уларни ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида «Тадбиркор» банки ташкил этилганди. Хўш, ушбу банк ўтган даврда тадбиркорлар оғирини енгиллатиш борасида қандай ишларни амалга оширди?

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида ва айниқса қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар суръати тобора тезлашуви янги тоифадаги ҳиссадорлик банкини барпо этиш тадбирларини жадаллаштиришни тақозо қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январь «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 13-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор» ҳиссадор-тижорат банки ташкил этилди. Унинг асосий мақсади қишлоқда тадбиркорликни ва янги шакллардаги мулкчиликни ривожлантиришда ҳар томонлама банк хизматини йўлга қўйиш ва амалий молиявий ёрдам кўрсатишдан, янги ишлаб чиқариш тузилмалари жамоаларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишдан иборат эди.

Бу қарор иқтисодиётни юксалтириш борасидаги жаҳон тажрибасига асосланган эди. Кўпгина мамлакатларнинг тараққиёт йўлини кўздан кечириб, таҳлил этсангиз, шундай бир манзара ҳосил бўлади: эндигина вужудга келган майда, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларига давлат томонидан мадад ва молиявий ёрдам берилмаса, улар забардаст корпорация ва йирик хўжаликлар билан рақобат қилолмайди. Мана шуни ҳисобга олиб, кўпгина тараққий этган мамлакатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Германияда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар рағбатлантирилади ва улар билан ишловчи банкларга турли имтиёзлар берилади.

Ўзбекистонда ҳам эндигина пайдо бўлаётган, ҳали нимжон хўжаликларнинг зарур техника, ёнилғи-мойлаш ашёлари, уруғлик сотиб олишида, чорвадорларнинг молхона қуриш ёки жиҳозлар, зотдор чорва моллари харид қилишида, деҳқончилик маҳсулотини қайта ишловчиларнинг корхона қуриши, техника ва технология сотиб олиши, ишни ривожлантириши учун уларга имтиёзли шартлар билан қисқа ва узоқ муддатли қарз бериб турадиган алоҳида банк зарур эди.

Республика ҳукумати мана шу заруратни ҳар томонлама ҳисобга олган эди. Қарорда белгиланган вазифалар ниҳоятда муҳимлиги ва долзарблигини тушунган ташаббускор бир гуруҳ ходимлар дастлабки кундан бошлабоқ ташкилий ишларга киришдилар. Барча вилоят ва туманларда банк бўлимлари очила бошланди. Уларга ходимлар танлаш, бинолар топиш ёки ижарага олиш, уларни жиҳозлаш билан боғлиқ қийинчиликларни енгишда маҳаллий ҳокимиятлар ёрдам беришди.

«Тадбиркор» банкининг амалий фаолияти 1993 йил 1 июлдан бошланди. Энди унинг бир йиллик фаолияти баъзи якунларини чиқарса ва келгуси режа ҳамда вазифалари ҳақида фикрлашиб олса бўлади, деб ўйлаймиз.

Умумий хулоса шуки, бугунги кунда бозор хўжалигининг бақувват омилларидан бирига айланган банкимиз иқтисодий ислоҳотларни чуқаришнинг самарадорлигини, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга бевосита хизмат қилмоқда.

Ўтган бир йил мобайнида банкнинг республика маъмурияти бино ва мутахассис ходимлар билан таъминланди, унинг барча вилоят ва туман бўлимлари тадбиркорларга хизмат кўрсатяпти. Банкнинг дастлаб эълон қилинган Устав сармояси 4,3 млн. сўм бўлса, кўрилган чора-тадбирлар натижасида аста-секин кўпайиб, ҳозир 28 млн. сўмга етди. Шу пайтгача 365 млн. сўм кредит берилди, унинг 62 фоизи банкнинг ўз ресурсларидан, 36 фоизи сотиб олинган ва 1,8 фоизи марказлаштирилган ресурслардан ташкил топди. Кредитларнинг 30 фоизи фермерларга ажратилди. Банк мижозларининг сони 43 мингга етай деб қолди, шу жумладан мулкчилик шаклини ўзгартирган 503 та жамоа хўжалиги, 265 та давлат хўжалиги, 1112 та хусусийлаштирилган ва жамоа фермаларининг аксарияти «Тадбиркор» банки хизматидан фойдаланмоқда.

Кредит ресурсларидан фойдаланишда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш тадбирларини қўллаб-қувватлашга асосий эътибор берилди.

Бу ишларнинг самараси дарҳол кўрина бошлади. Чунончи, «Тадбиркор» банкига мижоз бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёридаги ерлар 210683 гектарга, қорамоллар сони 174563 бошга, паррандалар 167301 тага, бошқа чорва моллари 17413 бошга етди.

Бир йил давомида мазкур фермер ва деҳқон хўжаликлари 31687 тонна гўшт, 145349 тонна сут, 136345 минг дона тухум, 1714 центнер жун, 12403 тонна пахта, 16231 тонна дон, 30 минг тонна ем-хашак, 423 тонна хўл мева, 88 тонна қовунтарвуз ва бошқа хил ноз-неъматлар етиштириб берди. Кичик корхоналар 327615 минг сўмлик, шахсий томорқадорлар уюшмаси ҳузурида барпо этилган корхоналар эса 12172 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Банк фаолиятининг яна бир хусусияти шундан иборат бўлдики, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва **моддий** заҳираларини кўпайтиришга қисқа муддатли, фермер хўжаликларининг асосий чорва подасини кўпайтириш, кичик қайта ишлаш корхоналари ва майда цехлар қуришга, қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналари харид қилишга узоқ муддатли қарз бериш йўлидан борилди.

Фермерлик ҳаракати тезроқ ривожланиши манфаатларини кўзлаб ва қишлоқ ишбилармонларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартлар билан ҳам кредитлар берилмоқда. Шу йил 1 июлга қадар бундай кредитлар миқдори 76 млн. 500 минг сўмга етди. Имтиёзли кредитларнинг асосий манбаи ўз ресурсларимиздир. Имтиёзли кредитлар бериш билан бирга банк фойда олиб ишлаш йўлларини ҳам изламоқда.

Банкнинг фойда олиши иқтисодий жараён барча қатнашчилари учун муҳимдир. Шу жараённинг асосий иштирокчилари бўлмиш ҳиссадорлар банкимизнинг фойда олишидан манфаатдордирлар. Чунки банкнинг асосий сармояси, яъни дастмояси шу даромад эвазига кўпайиб боради. Бундан ташқари ҳиссадорлар сотиб олинган акциялар эвазига банк фойдаси ҳисобидан дивиденд оладилар.

Омонат қўювчилар ҳам банкнинг фойда олиб ишлашига қизиқиб қарамоқдалар. Шу йил 1 июлига қадар корхона ва ташкилотларнинг депозитлари 27 млн. сўмни, аҳолининг омонатлари эса 2,6 млн. сўмни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда банк даромадлари таркибида кредит берилиши билан боғлиқ бўлмаган хизматларнинг салмоғини оширишга интиляпмиз. Биз корхона ва ташкилотларнинг, суғурта компанияларининг ва шу кабиларнинг фаолиятида қатнашиш йўли билан ҳам даромад ола бошладик. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида банкимиз ҳаммаси бўлиб 5 млн. сўмдан сал кўпроқ даромад олган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида 23,6 млн. сўм даромад олди.

«Тадбиркор» банкининг қарор топишида республика ҳукумати катта мадад бермоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 18 августдаги 420-сон қарори билан «Ўзтадбиркорбанк»ни 1993—1994 йиллар мобайнида бюджетга ўтказиладиган даромад солиғидан озод қилган эди, 1994 йил 13 июлда қабул этилган «Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 362-сон қарорида эса банкнинг кўмакчи тармоқларини яна ривожлантириш ва банклар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида барча тижорат банклари қатори «Тадбиркор» банки ҳам 1996 йил 1 январигача бюджетга солиқ тўлашдан озод этилди. Буни банк тизимини ривожлантириш ҳақида кўрсатилган ғамхўрлик деб биламиз.

Бу маблағдан банкнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш, уни компьютерлаш ва бошқа замонавий воситалар билан жиҳозлаш учун фойдаланилади. Натижада банкнинг операция харажатлари камайиб, иш суръати ва сифати ошади. Банк фаолиятининг ташкилий даври тугаган сайин, унинг фаолият кўлами тобора кенгайиб бормоқда. **Валюта операциялари ўтказиш учун 1994 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан бош рухсатнома олингани шундан дарак беради.** Банкимизнинг республика валюта биржасига аъзо бўлиб кириши учун ҳамма зарур ҳужжатлар тайёрланиб, тасдиқ учун тақдим этилди. Бу тадбир валюта операцияларини анча кенгайтириш ва бу соҳадаги фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Илк қадам сифатида Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь тижорат банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатиш соҳасида қилинаётган ишлар шу мақсадни кўзлайди. Ҳозирги вақтга келиб Қозоғистоннинг иккита банки ва Россиянинг битта банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди. Юқорида номлари зикр этилган давлатларнинг, шунингдек Болгария, Германия ва бошқа олис хорижий мамлакатларнинг баъзи банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги музокара жараёни давом этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, фермер хўжаликларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтиришга кўмаклашиш соҳасида қилинаётган ишларга бениҳоя катта аҳамият берилмоқда. Шу нуқтаи назардан мижозларнинг рақобатбардош хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини ва айниқса қўшма корхоналарнинг бу ишдан манфаатдорлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳақида банкнинг барча бўлимларига топшириқ берилган. Ўтказилган таҳлилдан маълум бўлишича, банкка мижоз бўлган 65 та қўшма корхонанинг муассислари орасида Россия, Қирғизистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари, шунингдек Туркия, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Хитой ва Жанубий Кореянинг юридик ҳамда жисмоний шахслари бор. Бу корхоналар муайян иқтисодий салоҳиятга эгадирлар.

Маркетинг тадқиқотлари соҳасида «Тадбиркор» банки мижозларининг хорижий ҳамкорлар билан, жумладан Германиядаги «Континент плюс», Австриядаги «Гамбрус ЛДТ», яқин ва олис хориждаги бошқа фирмалар билан ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш соҳасида муайян ишлар қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Европа ҳамжамиятлари комиссиясига техникавий кўмаклашувни мувофиқлаштириш бюроси» билан ҳамкорликда бирмунча иш олиб борилмоқда. Хуллас, халқаро алоқаларни ривожлантириб, келгусида мамлакатимиз равнақига янада кўпроқ ҳисса қўшишга интиламиз.

«Ўзтадбиркорбанк» ўзига берилган рухсатнома асосида барча вилоят ва туман бўлимларида кирим-чиқим кассаларини очиш соҳасидаги ишларни ҳам авж олдириб юборди. Баъзи вилоятларда шундай кассалар фаолият бошлади. Валюта алмаштириш пунктлари жиҳозланмоқда, кадрлар билан мустаҳкамланмоқда.

Банкимизнинг Устав сармоясини йил охиригача 57 млн. сўмга етказишга қарор қилинган. Бу маблағни биз акциялар чиқариб, сотиш йўли билан йиғиб оламиз. Акцияларимиз икки хил: ҳар бири 100 сўмлик оддий ва 10 сўмлик имтиёзли акциялардир. Оддий акцияларни сотиб олган кишилар банк муассислари йиғилишларида қатнашиш ва қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқини олади. Оддий акциядан нечта сотиб олинса, шунча овозга эга бўлинади. Йил охирида банк фаолияти якунланганда эса, акциядорлар соф фойдага шерик бўладилар. Ўтган йили акция учун 30 фоиз фойда беришни ваъда қилган бўлсак, 40 фоиз тўладик. Бу йил 60 фоиз фойда тўлашни мўлжаллаб турибмиз. Акциялар банкнинг барча бўлимларида сотилмоқда.

Кези келганда шуни айтиш керакки, банк фаолиятининг энг муҳим йўналишлари акция эгаларининг (яъни ҳиссадорларнинг) йиғилишларида белгилаб, тасдиқлаб олинади. Акциядорларнинг февраль-март ойларида барча вилоятларда ва Нукусда бўлиб ўтган йиллик йиғилишлари банкимизнинг 1994 йилги иқтисодий снёсатини ишлаб чиқишда муҳим босқич бўлди. Акция эгалари банк фаолиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланиб, банкнинг молиявий ва ҳуқуқий ҳимояланишини мустаҳкамлашга, мижозларнинг ахборот билан таъминланишида унинг ёрдамини кучайтиришга оид бир қанча ўринли ва далилисботли таклифларни айтишди.

Банкнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳам биз учун жуда муҳим муаммодир. Банкнинг айрим вилоят ва туман бўлимлари ўз биносига эга бўлиши билан бир қаторда кўпчилик бўлимларимиз турли ташкилотларнинг банк ишига мос келмайдиган иморатларини ижарага олиб ишламоқда. Электрон-ҳисоблаш воситалари ва бошқа ташкилий техника етишмаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 апрелдаги 187-сон қарорида вилоят ва туман ҳокимликлари ва Алоқа вазирлиги зиммасига «Тадбиркор» банкини алоҳида бино ва телефон алоқаси билан таъминлашда бевосита ёрдам бериш юклатилган эди. Аммо Марказий маъмуриятни ва банк бўлимларини телефон алоқаси билан таъминлаш соҳасида ҳукумат қарорида белгиланган ҳамма тадбирлар тўла-тўкис бажарилмагани ишдаги тезкорликка салбий таъсир қилмоқда. Алоқа вазирлигининг раҳбарларидан, вилоят ва туман ҳокимликларидан бу масалада ёрдам кутамиз.

Бизни энг кўп қийнаб турган муаммо — ходимларнинг етишмаслигидир. **Банклар кўпайган сайин банк ходимларининг вазифалари мураккаблашиб бормоқда ва мутахассис ходимлар етишмаслиги тобора сезилиб қолмоқда.**

Бу соҳада олисни кўзлаб қилаётган ишимиз шуки, ўтган йили банкимиз Тошкент молия институти ва Марғилон ҳисоб—кредит техникуми билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш борасида бирмунча ишлар қилди. 1993 йилда Тошкент молия институтини битириб чиққан 25 мутахассис банк бўлимларига ишга юборилди, шу йил февраль ойида эса институтнинг 17 битирувчиси кейинчалик бизда ишлаш шарти билан бўлимларга келиб тажриба ўргана бошлади. 1994 йилда молия институтига 160 ўринга талабнома юборилди. Айни вақтда чет элларда ҳам банкимиз ходимларини ўқитиш, уларнинг билим ва малака савиясини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтаришни йўлга қўймоқдамиз.

Банкнинг республика маъмуриятида вилоят ва туман бўлимлар ходимларининг малакасини оширадиган, уларни компьютерда ишлашга ўргатадиган бир ҳафталик ёки ўн кунлик курс ташкил этяпмиз. Иккинчи босқичда банк мижози бўлган деҳқон-фермерларга ва биз билан ҳамкорлик қилиш ниятида ўқиб ўрганишни хоҳлаган бошқа тадбиркорларга ҳам таълим берилади.

Банк ходимларини мижозларга эътиборли, меҳрибон қилиб, инсоф, диёнат, ҳалоллик руҳида тарбиялаш эса ишимизнинг бошқа бир йўналишидир. Биз ҳар бир йиғилиш, семинар ва учрашувдан фойдаланиб, Президентимизнинг банк ходимлари шаънига айтган ҳаққоний танқидий гапларидан қандай амалий хулоса чиқариш кераклигини уқдирмоқдамиз. Ўз касбини ҳурмат қилмайдиган, банкир номига доғ туширадиган таъмагир, нопок инсонларга орамизда ўрин йўқ, деган қоида асосида иш олиб боряпмиз.

Ҳозир барча банк бўлимларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида тузилган махсус комиссия томонидан аттестациядан ўтказилмоқда. Комиссия аъзоларининг саволларига тўғри жавоб беролмаётган ёки фаолиятида қўпол хатога йўл қўйган ходимлар ҳеч бир юз-хотирсиз лавозимидан четлаштирилмоқда. Хуллас, ишимизда ўнгланиш сезилмоқда. Эндиги вазифа эса — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан бориб банк тизимини ривожлантиришдан иборат.

А. ЮСУПОВ,
«Ўзтадбиркорбанк» бошқарувининг раиси.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ СОВРИНИ КУПОНИ
"ЛИДЕР" КК
Прогнозларни қабул қилиш муддати 30 августгача _____

"Лидер" кичик корхонаси Ўзбекистон футбол клублари билан ҳамкорликда футбол ишқибозлари совринини ўтказади. Ғолибни компьютер аниқлайди. **Турнинг барча натижаларини тўғри айтиб беролган қатнашчи 10 000 сўм мукофот олади:** Агар қатнашчилардан ҳеч бири аниқ жавоб тополмаса, 3 та ғолиб ҳақиқатга яқинроқ келган жавобларига кўра аниқланади. Пул мукофотлари қуйидагича тақсимланади:

1- ўрин учун- 3000 сўм
2- ўрин учун- 2000 сўм
3- ўрин учун- 1000 сўм

Бундан ташқари компьютер бутун футбол мавсуми учун натижаларни ҳисоблаб боради ҳамда унинг натижаларига кўра ноябрь ойида 3 та ғолиб аниқланади.

Диққат: турлар оралиғидаги вақт жуда оз ва Сиз жавоб билан кечикиб қолишингиз мумкин. Яъни Сиз жавобингизни турдан икки ҳафта олдин юборганингиз маъқул. Бу сизнинг совринда иштирок этишингизни кафолатлайди, бундан ташқари ҳар бир кун учун қўшимча балл беради.

Совринимиз пуллик. Унда қатнашишингиз учун Сиз телеграф орқали 10 сўмлик тўлов юборишингиз ва буюртмали хатни қуйидаги манзилга жўнатишингизга тўғри келади:

700000, Тошкент ш.
Мовароуннахр кўчаси, 30,
"Лидер" КК.

Диққат: ноябрь ойида телеграф тўлови орқали купоннинг, телеграф тўловингизнинг ва буюртма хатининг ҳақи қайтарилади.

Биз жамоа қатнашчиларни ҳам таклиф этамиз. Пул ўтказиш йўли билан купоннинг ҳақи-50 сўм.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:

000468988. Ўзавиабанк,
МФО 172648706

Пулларингизни банк ҳаражатлари билан биргаликда сизнинг ҳисоб рақамингизга ўтказилади. Мукофотлар эса, нақд пул билан тўланади.

Омад ёр бўлсин !

Исмингиз, насабингиз: _____

Уй манзилингиз: _____

Ташкилот номи ва манзили _____

р/с: _____

Тўғри тўртбурчакларда турдаги ўйин натижаларини ёзинг:

Олий лига
31 август
1 __ : __
2 __ : __
3 __ : __
4 __ : __
5 __ : __
6 __ : __
7 __ : __
8 __ : __

Биринчи лига
30 август
1 __ : __
2 __ : __
3 __ : __
4 __ : __
5 __ : __
6 __ : __
7 __ : __
8 __ : __

Имзо _____

Купоннинг шу қисмини пулингиз қайтиб келгунча сақланг

Мукофот 10000 сўм

Олий лига
31 август
1 __ : __
2 __ : __
3 __ : __
4 __ : __
5 __ : __
6 __ : __
7 __ : __
8 __ : __

Биринчи лига
30 август
1 __ : __
2 __ : __
3 __ : __
4 __ : __
5 __ : __
6 __ : __
7 __ : __
8 __ : __

Имзо _____

КАЛЕНДАРЬ

Олий лига
31 август
1.Наврўз-Трактор
2.Нефтчи-Чирчиқ
3.Пахтакор-Нурафшон
4.Политотдел-Орол
5.Янгиер-Сурхон
6.МХСК-Суғдиёна
7.Атласчи-Темирйўлчи
8.Гулистон-Навбаҳор
11 сентябр
1.Трактор-Янгиер
2.Чирчиқ-МХСК
3.Гулистон-Пахтакор
4.Темирйўлчи-Политотдел
5.Сурхон-Нефтчи
6.Суғдиёна-Наврўз
7.Нуравшон-Навбаҳор
8.Орол-Атласчи

Биринчи лига
30 август
1.Кушон-Зарафшон
2.Бахт-Прогресс
3.Йигирувчи-Олтинкўл
4.Мебелчи-Норин
5.Ғазалкент-Машъал
6.Кимёгар-Насаф
7.Динамо(С)-Локомотив
8.Ситора-Динамо(У)
10 сентябр
1.Насаф-Динамо(С)
2.Машъал-Ситора
3.Норин-Ғазалкент
4.Олтинкўл-Кимёгар
5.Прогресс-Йигирувчи
6.Зарафшон-Мебелчи
7.Металлург-Кушон
8.Боғдодчи-Бахт

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 10-СОН ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

1994—1995 ўқув йили учун 11-синф ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни АСАЛАРИЧИ — ТРАКТОРЧИ мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийимбош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1995 йил 3 апрелдан ишлаб чиқариш амалиётига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқувчилар амалиёт даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади. Ўқишга кирувчилар билан 1994 йил 31 август куни суҳбат ўтказилади. Ўқиш 1994 йилнинг 1 сентябридан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти раҳбари номига ариза, хўжаликдан йўлланма, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асли), тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3Х4 ҳажмидаги 6 дона сурат, тиббий маълумотнома (086-У андозада).

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, А. Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги, 2-бўлим 10-сон ХБЮ. Телефон 56-689.

Билим юртига «Чорсу» метро бекатидаги автостанциядан 466-автобусда бориш мумкин.

ГАЗЕТХОН ТАНҚИД ҚИЛАДИ

176-ҚАЙДАСАН?

Шаҳар транспорти аҳволи қандайлиги ва унинг хизмат кўрсатишини яхшилаш учун қилинаётган ишлар кўпчиликка маълум. Аммо шаҳар атрофи транспорт воситалари-чи? Улар билан шу ишга мутасадди кишилар қизиқармиканлар? 176-йўналишдаги автобусга тушишга мажбур бўлганларнинг бу саволга салбий жавоб беришдан бошқа иложлари йўқ. Чунки «Олой» бозори бекатидан Серка (Тельман) қишлоғигача қатнайдиган автобуслар сони иккита бўлиши лозим-ку, аммо кўп пайтларда ё битта қолади ёинки умуман, бўлмайди.

Нега бундай?— деб сўралганда йўловчиларга ҳозиргача «Автобуслар бузуқ, эҳтиёт қисмлар топилмаяпти» қабилида жавоб берилса, эндиликда диспетчер опалар «ҳайдовчилар йўқ», «ҳайдовчилар ишга чиқмади», дейишяпти. Айтайлик, ўтган якшанба куни «Олой» бозори бекатида 176-автобусни кутувчилар талайгина эканлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Чунки эрталаб соат 6 ва 7 да автобус бўлмаган, соат 8 да ҳам унинг қораси кўринмади. Безовталанган одамлар диспетчер Лариса Александровнадан «Нега 176-автобус йўқ?», деб сўраганда ундан «Иложимиз қанча, шоферлар ишга чиқмаган экан, мен соат етти яримда автосаройга кўнғироқ қилиб билдим», деган жавобни олдилар.

Тоқати тоқ бўлган кишилар Ғиштқўприкка қатнайдиган 157-йўналишидаги автобус ҳайдовчисидан Серка қишлоғига ташлаб ўтишни илтимос қилган эдилар. У 20 тийин тўланадиган масофага 5 сўм сўраганидан кейин йўловчиларнинг асаби баттарроқ бузилди. «Автосарой раҳбарларига хабар бериш керак. Йўқ, яхшиси автомобиль транспорти вазирлигига мурожаат қилиш керак», — деган гапларни эшитган диспетчер опанинг раҳми келди шекилли, анча вақт ўтгандан кейин бошқа йўналишдан бир автобусни олиб берди.

Афсуски, нафақат дам олиш, балки иш кунлари ҳам аҳвол шундай. Одамлар сарсон. Бир соат ўрнига икки-уч соат оралиқда қатнайдиган автобусга икки-уч ҳисса кўпроқ одам чиқиб олади, қимирлаш у ёқда турсин, нафас олиш қийин... Бундан фойдаланиб, айримлар йўл ҳақини тўламасликка ҳаракат қиладилар.

Ачинарлиси шуки, мазкур йўналишда уч-тўрт йилдан бери қатнаб, бирон марта назоратчи, текширувчиларни учратганимиз йўқ. Наҳотки 3-автосарой раҳбарлари шунчалик хотиржам бўлсалар? Вазирликдаги ўртоқлар-чи?

С. ЙЎЛЧИЕВ.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

ФИРИБГАР ТАРБИЯЧИ

«Олой» бозорида 1-болалар сил касаллиги санаторийси тарбиячиси ноқонуний равишда дори-дармонлар сотаётган Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти талабасидан ўзини милиция ходими, деб таништириб, бир нечта дориларни бепул олиб кетади.

Ҳақиқий милиция ходимлари эса фирибгар тарбиячини вақтида қўлга олишди.

ҚАРОҚЧИ ҚИЗ

Амир Темур хиёбони атрофида жойлашган Офицерлар уйининг тикувчилик курсида ўқувчи қизни номаълум шахс қўрқитиб, тилла сирғасини олиб қочади.

Тошкент шаҳар ИИББ Жиноятқидирув бошқармаси ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган 20 ёшли олмалиқлик қиз ушланди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

БОЗОРИ ЮРИШМАГАН ТОЛИБ

«Олой» бозорида Тожикистон Республикасидан келган деҳқоннинг 200 килограмм туршагини бир фирибгар 2 миллион сўм-купон ваъда қилиб, «Москвич» машинасига юклаб жуфтакни ростлайди. Шу жиноят юзасидан суриштирув ишлари олиб борилиб, алдоқчи қўлга олинди. У Низомий номидаги муаллимлар институтининг толиби экан...

ЭСКИ ЖЎВА «ҒАВРОШ»ЛАРИ

«Эски жўва» деҳқон бозорида пахта ёғи сотаётган фуқарога тўрт киши — иккитаси ўзини бозор вакили, қолгани эса милициядан деб айтиб, 500 минг сўм-купонини алдаб олишади.

Участка нозирлари ва муниципал рота ходимлари саъй-ҳаракатлари билан таъмагирлар ушланди. Улар бозорнинг ёш «ғаврош»лари эканлигини кўпчилик иккор этгани йўқ.

НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Эшон Бобохон кўчасидаги хонадонлардан бирига тўрт ниқобли шахс кириб, пичоқ ўқталиб, уйдан «Элипс» телевизори, «Фишер» видеомагнитафони, «Голд-стар» аудиомагнитафони ва тилла буюмларни олиб чиқиб кетишади.

Ҳамза туман ички ишлар бўлимининг тезкор вакиллари босқинчиларни «Фарғона йўли» кўчасида тутдилар. Босқинчиларнинг тўртови ҳам Беканобод туманида яшовчи шахслар бўлиб, улардан бири Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг толибидир.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

БОБОЛАР РУҲИГА САДОҚАТ

Шеърият — инсон кўнгли кечинмаларини, туйғуларини тадқиқ қилувчи бадиий санъат. Шу билан бирга, шеърият — ижтимоий воқеликларни, жамият ва одамлар ўртасидаги муносабатларни, турмуш манзаралари ва руҳият мувозанатларини мушоҳада ҳамда тахлил қилишда муҳим восита ҳамдир. Шеърият ҳамиша халқ учун, маънавий тараққиёт учун, тинчлик, дўстлик-аҳиллик, барқарорлик учун хизмат қилиб келган... Музаффар Аҳмаднинг кейинги пайтларда ёзган шеърларини ўқиб ўтириб, негадир шу фикр хаёлимда жонланди.

Музаффар Қорақалпоғистонда туғилиб ўсган. У — йигирманчи-ўттизинчи йилларда воҳада ном қозонган, ўзига хос санъат мактаби яратган машҳур ўзбек достончиси Аҳмад бахшининг набираси. (Кези келганда айтиб ўтай, қатағон йилларида бегуноҳ қурбон бўлиб кетган бу улкан сиймонинг ҳаёти, тақдири ва ижоди ҳанузгача тўла ўрганилгани йўқ, муносиб баҳосини топгани йўқ). Маълумки, халқ бахшилари ижодида дўстлик, инсонийлик, эзгулик, ватанпарварлик сингари туйғулар асосий ўрин тутади. Шунинг учун бўлса керак, Музаффарнинг шеърларида ҳам ана шу туйғуларга, қолаверса, тарихга, фалсафага, ҳикматга мойиллик кучли. Ижодидаги бу жиҳатлар унга бобомерос хислат, қонида бор.

Мен Музаффарнинг адабиётдаги қадамларини ўн йиллардан буён кузатиб келаман. У кейинги пайтларда баракали ижод қилаётир, шеърий машқлардан бошқа эсселар, публицистик ва илмий мақолалар эълон қилмоқда, бадиий таржима билан мунтазам шуғулланади. Айниқса, Музаффарнинг қорақалпоқ адабиёти намуналарини тарғиб қилишдаги хизматлари таҳсинга сазовор. У шу кунгача ўнлаб қорақалпоқ шоирларининг янги асарларини ўзбек ўқувчисига таништирди, бир неча қисса ва достонларни ўзбекчалаштирди, қорақалпоқ халқ эртакларини китоб ҳолида чоп қилдирди, мумтоз шоир Ажиниёзнинг тўла асарларини ўзбекчалаштириб, нашрга тайёрлади. Демак, ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларининг ривожланишида, халқлар дўстлигининг мустаҳкамланишида бу укамизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Айни кунларда эса Музаффар Хоразм тарихини, хусусан, Муҳаммадраҳимхон соний (Феруз) даврини қунт билан ўрганаётганидан хабарим бор. Эҳтимол, бу изланишлар қисса ёки йириқроқ асарга материал бўлиб хизмат қилар... буни вақт кўрсатади.

Музаффар яқинда устоз Миртемир домла анъаналарини давом эттириб, қорақалпоқ диёри, бу юрт одамларига бағишланган туркум шеърлар ёзди. Қуйида сиз Музаффар Аҳмаднинг ана шу туркумга кирган бир неча шеърлари билан танишасиз.

Азим СУЮН.

ЖУФТ ҚУШЛАР

Нукус — Манғит йўли...
Заъфарон қумлар
Қўшўркач туядай чўкмишлар вазмин.
Қуёшдан тўкилиб ўтли тўлқинлар,
Оташин нафасда ҳансирар замин.
Ўзоқ-узоқларда мозий Чилпиғи[1]
Дунёга хотиржам боқиб ётарди.
Йўл бўйида, тинмай чуғур-чуқ-чуғи,
Қушлар уён-буён учиб ўтарди.
Бир савол хаёлим чирмади шу чоқ,
Тириклик сирларин қилгудай тафтиш:
«Нечун бу маконда қушлар юрмас тоқ?
Не сабабдан бундай жуфту жуфт учиш?..»
Учарлар икковлон, тўртовлон, олтув...
Жуфт учмоққа худо онт ичиргандай!
Қушлар шунча иноқ, шунчалар тотув, —
Бир-бирин ҳимоя қилиб юргандай!
Саволимга жавоб топдим мен шоён,
Синчиклаб юртимнинг сарҳадларини.
Бу қушлар, шубҳасиз, қилур намоён
Шу ерлик халқларининг хислатларини.
Оллоҳнинг инъоми шу юрт, шу элим,
Икки халқ яшайди бунда жуфт, иноқ.
Бири — меҳмоннавоз менинг ўзбегим,
Бири — дўстга содиқ, мард қорақалпоқ.
Уларни бўлаклаб бўлмайди зинҳор,
(Суягин ажратмоқ осонми этнинг?!) —
Ҳар қорақалпоқнинг бир ўзбеги бор,
Қорақалпоғи бор ҳар бир ўзбекнинг!
Минг йилки, икки халқ тутиб бир макон,
Жуфт юрган қушлардай ёнма-ён яшар.
Бундай тотувликни ҳеч кўрганмикан
Қўҳна бу оламу қайси бир башар?!
Жуфт қушлар...
Дўст қушлар...
Мамнун бўламан,
Намланиб кетгудай кўзим, қароғим.
Ўзбегим — ўзлигим, донм бўл омон,
Омон бўл, туғишган қорақалпоғим!

[1] Чилпиқ — Амударёнинг ўнг соҳилида оташпарастлар замонидан қолган ибодатгоҳ, қурилганига икки ярим-уч минг йил бўлган, деб тахмин қилинади.

...Қушлар парвоз қилди, чарх урди, елди,
Таъзим қила-қила она тупроққа.
Жуфт учган қушларни ўхшатгим келди
Икки дўст — ўзбек ва қорақалпоққа.

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚАСИДАСИ

(Нукус университетида ўқилган шеър)

Ассалом, азизим, жон қорақалпоқ,
Чеҳрангда табассум — порлоқларинг бор.
Осмондай очдинг кенг, бепоён қучоқ,
Бугун энг табаррук қўноқларинг бор.
Шаҳри Шошдан ширин ўзликлар келди,
Меҳр тўкмоққа қора кўзликлар келди,
Ўзбекистон келди, ўзбеклар келди,
«Боврим!» деган олқиш, ардоқларинг бор!
Жайҳундай шиддатли, сув каби поксан,
Ҳикматгўй, донишманд, аллома Шарқсан,
Туркий шажарамда олтин япроқсан,
Қўнғирот, манғит, муйтен, қипчоқларинг бор.
Турон бу, муаззам, мунис маскан бу,
Туркийлар гуллатган турфа чаман бу,
Буюк Туркистон бу, қутлуғ ватан бу, —
Қардош туркман, қирғиз, қозоқларинг бор.
Минг Жиян жировлар айтса тарихинг,
Минг кечада битмас тавсиф-таърифинг,
Оллоҳдан иноят исми шарифинг,
Олтин бошда тожинг — қалпоқларинг бор.
Қисмат сени неча марта синади,
Утдан олиб сувга солди, қийнади,
Созлади, тоблади, тинчга қўймади.
Хотирангда қувғин, қийноқларинг бор.
Ёв босди, неча бор тушдинг тузоққа,
Фарзандлар тўзғиди йироқ-йироққа,
Ким Қубатов кетди, кимдир Ироққа,
Курд, Афғон, Арабда урпоқларинг бор!
Дардингни куйлади мағрур овозлар,
Жононлар қўлинда ул тилла созлар,
Ҳазрати Кунхўжа, Ажиниёзлар,
Ханжардай тўғрисўз Бердақларинг бор!
Мазлумхонсулувда аждодлар руҳи,
Бўзатовда бўзлар авлодлар оҳи,
Чилпиғинг минг йиллик мозий гувоҳи,
Табаррук, тўтиё тупроқларинг бор!
Бунда яшаб ўтди неча донолар,
Тилларида бўлди ҳамду санолар,
Эшон, хўжа, имом, ҳожи боболар, —
Муқаддас авлиё, арвоҳларинг бор.
Дорда солланганда ҳожим Авазжон,
Кўзлар ёшга тўлди, дил бўлди вайрон,
Не гуноҳ қилганди ҳазратим Салмон? —
«Уламолар қайда?..» — сўроқларинг бор.
Бегуноҳни қирмоқ — гуноҳи азим,
Қаерда Оллоёр, Кўптилев, Нажим?
Қурбон бўлганларга қилурсан таъзим, —
Бевақт сўнган юлдуз — маёқларинг бор!
Жаннат аро сайрон руҳий парвозинг,
Эсдан толдиради «Дамбермес» созинг,
Илоҳий санъатинг, наъманг, овозинг,
Қўбиз, дутор, сурнай, ғижжакларинг бор.
Ошиқ Ойдинпир йўлидан қайтмаган,
Овозини олтин билан қайраган,
Созлар чертиб, булбуллардай сайраган,
Муса, Қиёс, Айтжон, Жапақларинг бор!
Алпомиш Барчинга буради йўлин,
Арслон Гулойимга беради кўнглин,
Едиге Темурга узатар қўлин, —
Дунёга дўстликдан сабоқларинг бор.
Умирбек, Шомурот — улуғ лаққилар,
Оламга қувноқ кўз билан боқдилар,
Кулгидан ҳеч сўнмас олов ёқдилар,
Жаҳонни портлатган қаҳ-қаҳларинг бор.
Гулласин, кўрк очсин дашту саҳройинг,
Кун-кундан тўлишсин кучинг, чиройинг,
Гўзалдир, дилбардир Нукус ўройинг,
Чимбой, Тахтакўпир, Мўйнокларинг бор.
Не-не истеъдодга қанот берган юрт,
Устоз Тўлепберган гуллар терган юрт,
Жўлмирза, Ибройим иззат кўрган юрт,
Ўзингга мен каби муштоқларинг бор!
Замиралар халқи, Довутлар халқи,
Қўшиқ-достонларда нур бўлиб балқи,
Бугунги зўр қувонч, дийдорлар ҳаққи —
Нурли истиқболда равнақларинг бор!
Омон бўл, азизим, жон қорақалпоқ,
Ўғил-қизинг ўсиб-улғайсин ҳар чоқ,
Оролинг бут бўлсин, Жайҳун бўлиб оқ,
Толеингда мангу булоқларинг бор!
Ўзбек — қорақалпоқ, дилдош-дилбандмиз,
Бир она бағрида ўсган фарзандмиз,
Биримиз шакармиз, биримиз қандмиз,
Юртбошимиз суйган ёноқларинг бор!
Иқболинг бор тарихингга яраша,
Нашъу-намо топгин асрлар оша,
Қорақалпоқ қадрдоним, минг яша,
Бахт йўлингда содиқ ҳамроҳларинг бор!

ОВОЗИНГ

Қўшиғинг — жаннатнинг ҳарир шуъласи,
Бир тиниқ, бир ёруғ нурдир овозинг.
Шафақлар шивири, тонглар нафаси,
Уммон-уммон гавҳар, дурдир овозинг.
Эрка ҳис-ҳаяжон, жонпараст нозлар,
Фаришталар ирод айлаган ваъзлар,
Дунёдаги барча лаззатлар, ҳазлар
Бир жойга жам бўлса — шулдир овозинг.
Нафасингда сеҳр бордир шунчалар,
Шаффоф хилқат мўъжизакор ун чалар,
Мушку анбар, ифор сочар ғунчалар, —
Латиф чечак, нафис гулдир овозинг.
Чексиз ҳузур-ҳаловат солар юракка,
Нодир-ноёбликда ягона, якка,
Бундай овоз бериларми малакка? —
Арш оралаб юрган ҳурдир овозинг.
Жонона, жарангсас, уйғонч эҳтирос,
Кўнгил тубидаги энг ширин эъзоз,
Қадим ва навқирон туркиёна соз —
Фазони тебратган куйдир овозинг.
Юртимда яралган бир меҳригиё,
Мукаррам навою, муҳтарам садо,
Таърифингга сўзим етмагай асло,
Ҳақиқатдан ҳам зўр, зўрдир овозинг.
Синглим, орзуларга кушодлик бахш эт,
Дилларга фаровон ободлик бахш эт,
Мафтун туйғуларга озодлик бахш эт,
Интизор дунёга тўлдир овозинг!..

ДУНЁ КЕЗГАН ҒИЖЖАК

Кейинги пайтларда мустақил Ўзбекистонимизнинг санъати ҳам жаҳонга танилиб бормоқда. Бу борада кўпгина санъаткорларимизнинг ҳиссаси катта. Улар орасида машҳур ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошев алоҳида ажралиб туради. Зеро, у ўзининг қадрдон ғижжаги билан жаҳонни кезди, десак муболаға бўлмайди.

У асли санъатга болалигидан қизиқди. Лекин футболчи бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. «Пахтакор» футбол командасининг ўсмирлар гуруҳида қатнашди ҳам. Бироқ санъатга бўлган ҳавас зўр чиқди. Буваси, машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов унга ғижжак чалишни ўргатди. Шуниси қувончлики, унинг санъатга бўлган ҳаваси ортиб борганини кўрган ота-онаси 1959 йили Глиэр

• *Санъат*

номидаги республика болалар мусиқа интернатига олиб келишди. Мусиқа мактабини тугаллагач, Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирди. 1971 йили ёш халқ чолғучиларнинг 1-республика кўригида қатнашиб, ғолиб чиқди.

Кейинчалик у Молдавия, Руминия, Германия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган танловларда иштирок этиб, ғижжакда турли миллатларнинг куйларини чалиб, кўпчиликни мафтун этди. Айниқса, Бетховен, Бах, Мусоргский, Агинский ва бошқаларнинг скрипка учун яратган асарларини ғижжакда ижро этиб, олқишга сазовор бўлди. Жумладан, венгриялик бастакор Монтининг «Чардаш» куйини чалганда бутун зал ўрнидан туриб қарсак чалди.

Ўшанда Шуҳрат Йўлдошевга кўплаб саволлар ёғилганди:
«Хўш, ғижжак скрипканинг укасими ёки акаси?»

Бундай саволларга у ғижжак скрипкадан анча аввал яратилганини, бу ўзбек халқининг севимли чолғу асбобларидан бири эканини айтди. Ва кўпгина бастакорларнинг куйларини ижро этиб, ғижжакнинг имкониятлари нақадар кенг эканлигини исботлади.

Ўшандан бери қанча-қанча сувлар оқиб ўтди. У 1973 йили халқаро халқ чолғучилари танловида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг бутуниттифоқ ІХ-ёшлар фестивалида, ҳам иштирок этди. Ғижжакнинг сеҳрли оҳанглари билан тингловчиларни лол қолдириб фестиваль совриндори унвонига сазовор бўлди. 1976 йили эса Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори бўлди.

Айниқса, санъатсевар Италиядаги гастрол сафарлари мароқли ўтди. У Генуя шаҳрида бўлиб ўтган фестивалда «Қўнғироқ», «Компанелло» номли куйларни ижро этиб, санъат мухлисларини ҳайратга солди.

Ҳа, ўзбек халқ чолғу асбобларидан бири ғижжакни жаҳонга танитишда Шуҳрат Йўлдошевнинг ҳиссаси катта. Шуниси қувончлики, мустақил Ўзбекистонимизда бўлиб ўтган XI-Тошкент халқаро кинофестивалида ҳам у ўзининг жонажон ғижжаги билан меҳмонларни хушнуд этди. Унда «Муножот» куйини ҳамда «Дайди», «Сангам», «Диско рақкоси», каби ҳинд кинофильмларидан куйлар ижро этди. У 150 дан ортиқ халқ куйларидан тузилган «Дўстлик гулдастаси»ни ижро этиб, ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлди.

Айни пайтда Шуҳрат Йўлдошев Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Дони Зокиров номли ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида ғижжакчи сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда унинг ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Ўзбекистон Президентининг Фармони билан моҳир созанда Шуҳрат Йўлдошевга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

Бутун мамлакат аҳли мустақиллигимизнинг уч йиллик шодиёналарига қизғин тайёргарлик кўраётир. Пойтахтимизнинг бош майдонида бўладиган улкан тантаналарда Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат халқ рақс дастаси ҳамда республикамизнинг бир қатор вилоятларидан келган дасталар истиқлол байрами дастури асосида қатнашиш ниятида.

СУРАТДА: «Баҳор» давлат халқ рақс дастаси раққосаси Розия Адамбоева ва доирачи Маъмуржон Мирдадаев.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *Дийдор*

ҚИРҚ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

Қува тумани Шербўтаев номли жамоа хўжалигида яшаётган етмиш ёшли Абдусалим Турсунов ўз қуроллош дўсти Гадой ака Аслоновни излаб, 45 йиллик айриликдан сўнг улар яшайдиган хонадонга келди. Уни Гадой аканинг фарзандлари Умид, Умар, Ҳайдар ва Жўра Аслоновлар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари қувонч билан кутиб олдилар. Бу ташриф нафақат Аслоновлар оиласи, балки бутун қишлоқдагилар учун ҳам катта тўй бўлиб кетди.

Гадой ака Аслонов 1924 йилда Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилади. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, суронли жангларда қатнашиб, 1949 йилда ўз она диёрига қайтади. Кейин оила қуради, фарзанд кўради, лекин уруш асорати натижасида Гадой ака ҳаётдан эрта кўз юмади. Унинг тўрт ўғли ёш етим қолади.

Абдусалим ака фронтдош дўстини ҳаёт деб ўйлаб, унга атаб 1948 йили 31 декабрида сўнгги бор бирга тушишган суратларини совға сифатида катталаштириб келган экан. На илож, ўлим ҳақ... Абдусалим ака суратни дўстининг оиласига топширди. У Гадой ака билан бирга қилган жанг хотиралари ҳақида сўзлаб берди.

Худойназар ТОШЕВ,
Бухоро Давлат университети ўқитувчиси.

• *БИР ХАТ ИЗИДАН* •

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Даставвал муҳарририятимизга келган шикоят хатидан парча келтирамиз: «Ҳурматли муҳаррир! Бизларни оғир қулфатларга дучор қилаётган «Каттақўрғонсувқурилиш» трести бошқарувчиси Акмал Алихўжаевдир. Бизнинг тинчгина яшашимизга халақит бераётгани ҳақида икки йилдан буён шикоятлар ёзаяпмиз. Бироқ Алихўжаевнинг суянчиқлари бўлса керакки, шикоятларимиз рўёбга чиқмай, босди-босди бўлиб кетяпти. Кўпчилик номидан мурожаат этиб, шикоятимизнинг рўёбга чиқишига амалий ёрдам кўрсатишингизга умидворлик билан бўлган воқеани баён этмоқчимиз...» Ушбу кириш сўзидан сўнг 18 банддан иборат айбнома келтирилади.

Биз уни тўлалигича баён этиш ниятида бўлсак-да, газета саҳифасига жойлаштириш маҳоллиги сабабли рўёбга чиқараолмадик. Лекин муштарийлар гап нимадалигини англаб олади, деган умиддамиз.

Очиғи, икки йилдан бери республикада бу машмаша билан шуғулланмаган идоранинг ўзи қолмади ҳисоб. Иккала томон ҳам «бўйни йўғон»лардан экан. Бири қўйиб, иккинчиси олади. Текширишлар кўп бўлдию, ўртадаги муносабатлар исимади, шаҳарчадаги муаммолар ечилмади.

Сув омбори шаҳарчаси Каттақўрғон туманидаги чекка манзиллардан саналади. Жойи хушҳаво, серсув, ерига чўп тиқсангиз кўкаради. Бироқ шаҳарчанинг бугунги аҳволини кўриб таъбингиз хира тортади: йўллар бузилиб кетган, бирорта овқатланиш корхонаси йўқ, ичимлик суви ташиб келтирилади.

Энг ачинарлиси — кўпчилик ҳовлиларда сизот суви тизза бўйи кўтарилган. Ҳаво исиши билан у ёмон ҳид таратади. Томорқада на бирор нарса қуриб бўлади, на деҳқончилик қилиш мумкин. Бу ҳам етмаганидек зах биноларнинг деворларига ўрлаб бормоқда. Айрим иморатлар ёрилиб кетган. Сабаби, — ёпиқ дренажлар ишламайди. Уч йилдан бери аҳоли вакиллари ёпиқ дренаж нотўғри қурилганидан нолийди. Ана шу иншоотни қурган Каттақўрғон сув қурилиш трести бошқарувчиси А. Алихўжаев эса ўзини оқлаш билан овора. Аммо дренажни созлаш, лоақал, очиқ ҳолатга келтириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Шаҳарча оқсоқоллар Кенгаши раиси Қодир Луқмонов билан кўчаларни айландик. Бир вақтлар гавжум бўлган, энди эса харобага айланган ошхона, чойхона олдига келганимизда раис ерга қарайди. Пойдевори қўйилган чала иморат ва очиқ ҳавода ётган қутидаги ускуналарга кўзимиз тушгач, у киши ёрилди.

— Ростини айтсам, буларнинг ҳаммаси трест бошлиғи Акмал ака билан ОРС директори Тожинор опа ўртасида келишмовчилик оқибати. Мана шу бино новвойхона бўлиши керак эди. Қаранг, неча миллион сўмлик ноёб ускуна очиқда ётиб эскирмоқда, кўп қисмини ташмалаб кетишган. Мана бу тайёр блоклар пойдевор устига қўйилса, бино битади, қолади. Аммо ҳозирча бунинг эгаси йўқ. Чойхона билан ошхона ҳам ўртада сарсон. ОРС бошлиғи «улар менинг балансимга ўтгани йўқ», деса, трестдагилар «ОРС»ни ажратиб берганмиз, ўзларинг соҳлаб олаверинглар» дейди. Икковини бир ерга чақириб, масалани ҳал қиладиган мард топилмайди.

Аслида ОРС бошлиғи Т. Маҳмудова билан А. Алихўжаев ўртасида бундан уч йил аввал қандай келишмовчилик рўй бергани фақат худогагина маълум. Чунки уни иккала тараф ҳам ўзича талқин қилишга уринади. Энг ёмони, бу келишмовчилик шаҳарчадаги аҳолига жуда қимматга тушди, саккиз марта текширишган. Мана ҳужжатлари.

— Акмал ака, икки йилдан бери нуқул шу машмаша билан шуғулланганга ўхшайсиз?

— Ўзимни ҳимоя қилганман, холос, мухбир укалар.

— Бунинг ўрнига дренажни созлаб, ошхона, чойхонани тузатиб берсангиз...

— Нима учун қиларканман, ўзлари керак бўлса созлаб олсин!

— Ахир шаҳарчада фақат сизнинг трест ишчи-хизматчилари оиласи яшаркан... У ерда анча-бунча бўлинмаларингиз ҳам жойлашган. Қолаверса, бошқа жойларда маҳаллий ҳокимият билан унинг ҳудудида жойлашган идора, корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Улар ўзларини тўғри тутганда истаган нарсасини қуриб берардим...

— Акмал ака, келган товарлар тақсимоти одатда посёлка кенгаши томонидан аҳолига тақсимланиши керак эди. Нима учун уни трест ҳузуридаги комиссия амалга оширган?

— Шароитга қараб иш тутганмиз. Тақсимлаш комиссия томонидан коллегиал равишда амалга оширилган.

— Тўғри, лекин бир неча ҳужжатларда сиз ўз кўрсатмангиз билан товарларни кишиларга «бартер асосида товар олиб келиш учун берилсин» деб тақсимлайвергансиз. Ахир меъёрлаб бериладиган товарлар ҳеч нарсага алмаштирилиши мумкин эмас-ку?

— Энди укалар, тирикчиликда, бировнинг тўйи, маъракаси бор...

Қиссадан ҳисса шулким, «Каттақўрғонсувқурилиш» трести бошлиғи А. Алихўжаев ўзига тегишли бўлмаган вазифани бажаргани учун ҳам у кишининг ўзи таъкидлаганидек «балога қолди». «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» экан... Бизнингча, раҳбар одам сал бағри кенг бўлиши лозим. Ҳар нарсага аччиқ қилавериш, ўчакишиш обрў келтирмайди. Очиғи, Акмал акага бу гапни жуда кўплар айтишди.

Шикоятчиларга эътирозимиз шундай: Аччиқ устида асосий муаммо қолиб, трест бошлиғининг фаолиятини тафтиш қилиш билан овора бўлиб қолганлар. Аризага бировдан эшитган миш-мишларни ҳам қўшиб ёзавершган. Умум ишига наф келтирадиган амалий таклифлардан кўра ўзаро ўч олиш иштиёқи устун келган. Натижада муомала таранглашган, ортиқча гап-сўз кўпайган. Шаҳарчада эса аҳвол ўша-ўша: сизот суви тобора кўтарилмоқда. Унинг сатҳи машмашалар бошланганда тўпиқда эди, энди эса тиззага етай деб қопти. Зах нафақат иморатларга шикаст етказмоқда, балки одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат қўрғонига ҳам раҳна солиб нуратмоқда. Бизнингча, энг ёмони шу. Чунки сизот сувлари оқиб кетар, шикастланган бинолар таъмирланар, чала қурилишлар битар, аммо нураган меҳр-оқибатни тиклаш осон кечмайди. Бунинг асорати жуда узоқ сақланади.

Норбобо ШАКАРОВ,
Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

• *Спорт*

УМИДЛИ ШАХМАТЧИ

● Мутахассислар иқтидорли шахматчи Рустам Қосимжоновга катта умид боғлашмоқда.

14 ёшли бу шахматчи яқинда Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан соврин билан қайтди. У 9 имкониятдан 7 очко тўплаб, тенгқурлари орасида бронза медалини қўлга киритди. Тошкентда эса республика шахмат-шашка клубининг очиқ чемпионатида иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

● Малайзияда таэквандо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар совринли ўринларни эгаллашди.

600 нафар полвон иштирок этган мусобақада Е. Ли билан И. Хегай кумуш, Х. Қурбонов бронза медалларини қўлга киритдилар.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Ўзинвест» ишлаб чиқариш-тижорат бирлашмаси.

ТУГАТИЛДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси маъмурий хўжалик бўлими бошлиғи М. М. Азизова отаси

Маҳкам АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тюжорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—23.00
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.